XVI асрда яшаб ижод етган шоирлардан бири, буюк шоир, адиб, тарихчи ва олим Бобурдир. Бобурномани А. Бевериж Бобурга шундай баҳо берган еди:

“... саҳоватлилиги, мардлиги, талантлиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшолар ичида Бобурга тенг келадиган бирорта подшо топа олмаймиз”.

Бобур 12 ёшидан бошлаб умрининг охиригача деярли узлуксиз уруш ва юришлар билан банд бўлди. Лекин, шунга қарамай, у кенг ва чуқур билим олган ҳамда ажойиб истеъдоди билан ўз даврининг йирик маданият арбобларидан бири бўлиб яшагн еди. У қаерда бўлмасин, доимо илм - фан, санъат ва адабиёт оқиллари билан яқиндан алоқа боғлар, уларга ҳомийлик қилар ва турли илмий - адабий суҳбатлар ҳамда мунозаралар уюштирар еди.

Бобур 16 - 17 ёшларидан бошлаб, бадиий ижодиёт билан шуғуланади. У “Бобурнома”да 906 - 907 йиллар (1449 - 1500 йиллар) воқеаси ҳақида сўзлар екан, “ул фурсатларда бирор икки қатор байт олишув ердим, вам ғазал тугамайдир ердим” дейди. Бобур ўзбек классик адабиётининг, айниқса, Алишер Навоийнинг бой адабий меросини ҳамда форс, тожик адабиёти устоз санъаткорларининг адабий тажрибаларини ўрганади. Бобурни енг йирик ва енг ажойиб асари уни бутун дунёга танитган. Йевропа шарқшунослари, жумладан, Х. Вамбери томонидан Юлий Сезарнинг коментариялари билан бир қаторга қуйилган китоби “Бобурнома”дир. Бу асар тарихий манба бўлиши билан бирга ўзбек прозасининг қимматли ёдгорлигидир, шу билан бирга “Бобурнома” география, етнография, табиат, халқ медицинаси ва бошқа илмий соҳалар бойича ҳам қимматли маълумотлар беради.

Бобурнинг “Бобурнома”дан ташқари яна бир қанча асарлари бор, булар ислом дини ҳуқуқшунослиги ва шарият ақидаларини баён етувчи “Мубаййн” номли шеърий рисоласи “Валидия” номи билан аталган тасаввуфга оид китоби “Хатти Бобурий” номи билан машҳур бўлган алфабит жадвалидан иборат. Шулар жумласидандир. Абдулла ибн Муҳаммаднинг “Зубдат ул асрор” номли тарихий асари

XVI асрнинг биринчи чорагида мажбурдир. Унда Шайбонийхоннинг ҳалок бўлишига олиб броган сабаблардан бири - Шайбонийлар лагеридаги зиддиятлар очиб кўрсатилган.

Рашидиддин ва Шарофиддин Али Яздийнинг тарихий асарлари ўзбек тилига таржима қилинади. Улуғбекка бағишланган “Мунтаҳаби Жоме” ва “Таворихий шохий” деган асарнинг ўзбек тилига таржима қилинганлиги ўзбек тилининг таъсир доираси кенгайиб борганидан далолат беради.

Ўз замонининг тарихига доир “Шарафномаи шохий” деган катта асарини Ҳофуз Таниш Бухорий ёзган бўлиб сиёсий воқеаларга бой. Бу асарда Ўрта Осиёнинг ижтимоий - иқтисодий тарихига оид жуда ажойиб маълумотлар бор.

Шунингдек, бу даврда айрим Шайбоний ҳокимлари адабий асарлар яратишда қатнашганлар. Шайбонийхоннинг ўзи ҳам ўз замонасининг ўқимишли одами еди.

Бу ҳақда Х. Вамбери шундай ёзади, у ҳар ҳолда ўзининг Ероний душманлари тарафидан таъсир етилганидек, нимани ҳоҳласа, шуни бажариб юрувчи ваҳший бир кимса емас еди. Масалан, у замоннинг руҳоний уламоларига катта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Темур каби бу ҳам доимо диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг нимқадам тафсифчилари бўлган қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфга еътироз ҳам билдирган еди.[11]

Шайбонийхон Бобур айтганидек, маъносиз ва лаззациз шеърлар ёзмаган, балким гўзал шеърлар ёзган. Шайбонийхон томонидан 1508 йилда ёзилган, чиғатой Туркий тилидаги "Баҳр ул асрор" (Ҳаққиқий йўлнинг денгизи) номли диний қасиданинг ягона қўл ёзма нусхаси Англиянинг Лондондаги Британия музейи кутубхонасида сақланмоқда. Бу қасиданинг бир жойида Шайбонийхон шундай дейди:

*Подшолиғда Шайбоний фақрдан айрилмағил,*
*Фақр шоҳи икки олам ичра бо ълур подшо.*
*Тетри гар берди сета Ероний Турон,*
*Бандалик таврин Шайбоний бермагил елдан даҳо.*

Шайбонийхоннинг шеърлар тўплами бўлган "Девон" 191 варақдан иборат бўлиб, бугун Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Тўнқони саройи кутубхонасида сақланмоқда. Саккокий, Гадоий, Навоий анъанасидаги классик чиғатой Туркий шеъриятини давом еттирган Шайбонийхоннинг шеърларида диққатни ўзига жалб қилган ҳассос - шоирнинг Туркистон юртига бўлган чексиз муҳаббатини ҳар доим тилга олиб турганидир. Туркистоннинг Бухоро, Самарқанд, урганч, Ясси шаҳарлари
номини ўз шеърларида Шайбонийхонга қадар кўп ишлатган бошқа шоир йўқ десак сира янглишмаймиз. Масалан:

*Жаннати ма ъво деган боғи Самарқанд елим,*
*Навсари а ъло деган оби Самарқанд елим,*
*Ёки Бухоро ҳақида йизилган*

**[11] // "O'zbekistonda ijtimoiy fanlar" jo'rnali. 2005 yil. №4.**

*Бир заёлим бор кўнгилким пирму вафоий атайин.*
*Ул Бухоро шарида Ка ъба тавофин айлайин.*

Шайбонийхон ХВИ аср адабиётига катта хисса қўшган шоирлардан биридир.

Шайбонийлар замонида фан кенг ривожланди. Ҳатто сонларни зарб қилиш ҳақида изоҳ берилган “Ҳисоб усуллари рисоласи” ХВИ асрга мансуб асардир. 1593 йилда Амин Аҳмад Розий “Ҳафт иқлим” (Етти иқлим) деган жўғрофий - биологис луғат тузди. Мутрабийнинг дунё харитаси кашф қилинган. “Тазкироти шуаро” ҳам тахминан шу вақтларда ёзилган. Бу даврда медицина соҳасида қилинган илмлар сезилиб турарди. 1541 йилда Муҳаммад Ҳусайн Ибн Ал - Меърони ас - Самарқандий тиббий ва фармакалогия руйхатига оид илмий асар ёзиб, ўта доривор ўсимликлардан дори тайёрлаш ва сақлаш учун ишлатиладиган идишларнинг рангдор нафис сйръатлар илова қилинди. ХВИ аср Қозиларнинг ҳужжатларидан биз Самарқандда табиблар кўз касалликларини даволаш ишлари билан шуғулланганликларини биламиз. Кўз табиби Шоҳ Али ибн Сулаймон Наврўз Аҳмадхон ҳузурида ишлаган. Самарқандда Кўчкинчихон замонида Ҳиротлик табиб Султон Али ишлаган. У касалликлар ва терапия ҳақида умумий маълумот берадиган “Табиблик дастурламаси”ни ёзган.

Шайбонийлар даврида кўп асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Китобга қизиқиш зўрлигидан кутубхоналар ташкил қилинган.

XVI асрда ҳаттотлик санъати жуда юқори даражада ривожланди.султон Али Машхадий, Мир Али Хиравий, Муҳаммад ибн Ишоқ, аш Шихобий ва бошқалар машҳур хуснихат усталари едилар. 1586 - 1587 йилларда Дарвеш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий полисрафия санъати назариясига оид асар ёзган.

Бу даврда ёзилган асарлар суратлар билан безатилган. Бундай асарлар жумласига “Фатҳнома”, “Тарихи Абулхайрхоний” 1521 йилда тузилган. Алишер Навоий асарларининг руйхати 1562 - 1563 йилда кўчирилган “Таворихи гузидайи нусратнома”ни кўрсатиш мумкин. Бу асарларни безашда ишлатилган минатюралар Ўрта Осиё моддий маданиятини акс еттиради.

Бу даврдаги мусввирлар ижодини тадқиқ қилган Г. А Пугаченкова ХВИ асрда Ўрта Осиёга хос алоҳида минатюра рассомлиги пайдо бўлди, деб айтган

еди.

Шайбонийлар худди Темурийлар сингари ниҳоятда ўқимишли мадраса таълимини олган, дунёвий ва дининй билимларни егаллаган, ҳарбий санъатда ҳам, шеърий санъатда ҳам истеъдодли, ижодкорлар билган, ҳатто форсчани гўзал ёзишни мукаммал егаллаган. Хуллас, зиёли давлат арбоблари бўлишган.

Шайбонийлар даврида илм - фан, маданият, адабиёт ва санъат, меъморчиликнинг равнақ топишида сулола вакилларининг ибратли шахсий таъсирлари ҳам зарворлидир. Мамлакатнинг турли томонларидан таниқли шоир, тарихчи ва олимларнинг Шайбонийни қора тортиб, панох излаб Бухорога келишлари ва лаёқатларига қараб мансаб ҳамда уй жой ва етарли маблағ билан таъминланишлари, иззат - икром топишларининг боисиҳам ана шундадир. Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллохон, Рустам Султон, Абдулазизхон ва Жаҳонгир Султон шоир бўлишган, ўзбекча ва форсча шеърлар ёзишган. Абдуллахон И еса мусиқашунос, созанда ва астрономия билан шуғулланган. Абдуллахон ИИ Қуръони каримни тафсир қилишда ҳадиси шарифларни таҳлил ва талқин қилишда дин пешволарининг фан оламларига сазовор бўлган....Бу таърифу тавсифларимиз шунчаки, қуруқ гаплар емас, балки ўша даврда замондошлари бўлмиш таниқли муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилганхолис фикрлардир. Мисол тариқасида бу бу китоблардан айримларини Камолиддин Биноийнинг "Шайбонийнома", Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" ва "Сулук ал - мулук", Мулла Шодининг "Фатҳнома" (Шайбонийхоннинг таржимоий ҳоли шеърий тарзда ҳикоя қилинади) ва Таворихи гузидом нусратнома (ўзбек тилидаги насрий асар), Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллонинг "Зубдат ул - осор" (ўзбек тилида), Ҳофуз Таниш ибн Мир Муҳаммад ал - Бухорийнинг "Шартномаи шоҳий" (бу асар "Абдулланома" номи билан машҳур), Муҳаммад ибн Валининг "Бахр ул -асрор", Зайниддин Васифийнинг "Бадое ул вақое" деган асарини келтиришимиз мумкин. Бу руйхатини яна давом еттириш мумкин, лекин шу номи тилга олинган мумтоз тарихий ва мемуар асарларнинг ўзиёқ шайбонийлар даврида ҳам бўлганидек, тарих фани анча ривож топганини кўрсатади. Бироқ фарқи шундаки, темурийлар

даврида тарихий китоблар кўплаб форсча ёзилган бўлса, шайбонийлар замонида еса ўзбек тилида ҳам таъриф етилади.

Шайбонийлар даврида китобат ишларига қўлёзмаларни ҳуснихат билан кўчириш йўли билан нусхани кўпайтириш, уларни воқеабанд миниатюралар билан безатиш, чиройли ва чидамли муқоваларга жамлашга катта еътибор берилган. Шу тариқа, Алишер Навоий ҳомийлигида Камолиддин Беҳзод ва унинг сафдошлари томонидан яратилган Ҳирот рассомчилик мактаби вужудга келади. Зотан бу даврга келиб, бу ҳам, ўзбекларнинг бу борадаги маркази ҳам Ҳиротдан Бухороа кўчган еди. Шайбонийлардан Абдулазизхон ва Абдуллахон ИИнинг кутубхоналари ўша замон мусулмон Шарқидаги енг йирик китоб хазиналаридан еди.[12]

Шайбонийлар даврида ҳам темурийлар замонидаги юксалишнинг руҳи сўнмаган еди. Нафақат пойтахт шаҳарлар бўлмиш Самарқнқ ва бухорода, балки шулар билан бир қаторда мамлакатнинг барча вилоятларида ҳалқимизнинг бунёдкорлик ишлари давом етар, барча вилоятларимизда ҳам бизким ўзбеклар бағридан етишиб чиққан истеъдодли олимлар, шоирлар, тарихчилар, уламолар, санъаткорлар ва шу каби маданият, илм - фан, адабиёт ва санъат аҳли самарали ва баракали фаолият кўрсатар едилар. Чунки бизким ўзбекларнинг бирлашган ва марказларига ўз миллий давлати довруғи етти иқлимга етган Бухорои шарифдай пойтахти бор еди, Қорахонийлар салтанатидан сўнг, яъни 1212 йилдан кейин орадан уч ярим аср ўтгач, Бухоро пойтахтлик мақомига еришган еди. Мусулмон шарқидаги анъанавий удумга кўра сулолага асос солган шахс сулолабоши номи билан аташувчи Шайбонийлар давлати ибтидодидан енг қадим замонлардан Турон деб милодий 539 йилдан ҳам Турон, ҳам Туркистон деб номланиб келаётган мамлакатимизга анги ном берди: Ўзбекистон деб атала бошлади. Шайбонийларнинг тарихий хизматларидан бири, айтиш мумкинки, қайтарилмас хизматларидан бири шуки, Туркистон деганда барча туркий халқларга маълум даражада ўзига хос белги ва хислатлри, турмуш тарси ва бошқа шу кабилар билан фарқланувчи, хуллас ўз миллий қиёфасига ега, бизким ўзбекларнинг мамлакати

---

[12] **Muhammad Solih “Shaybiniynoma”. T., 1988 yil. b - 92.**

тушуниладиган бўлди. Бу чиндан -да қайтарилмас ва тарихий воқеа бўлиб, аллақачонлардир дунёга келган камолотга етиб, ўзлигини намоён қилган Турону Туркистон заминига туп қуйиб палак ёзган халқа, бизким, ўзбекларнинг ватанига худди олтин узукка ёқут кўз қойилганидек муносиб, мазмундор ва шарафли ном берилган еди: Ўзбекистон!!!

Меъморчлик - қурилиш санъатининг юксак поғонаси. Гоё, унда даврий тараққиёт- сивилизациянинг қиёфаси акс етда. У даврнинг вакили бўлмиш, жамиятнинг фойдалилик чидамлилик ва гўзаллик ҳақидаги кўтаринки ғояларини ўзида сақлаб қолиши мумкин. Меъморий ёдгорликлар қиёфасида тарихини ўзига хос тош китоби шаклланади, қўл билан яратилган мусиқа тимсолига айланади.

Ўзбекистон меъморчилигининг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Тарихга назар ташлар еканмиз, Сўғд, Бақтрия, Хоразм каби илк давлар давридан бошлаб, то Темургача ва ундан сўбг меъморчилик борасида муҳим улкан қурилишлар амалгам оширилганлигига шоҳид бўламиз. Айниқса, Темур ва темурийлар даврида меъморчилик ўз даврини ривожининг юксак чўққисига еришди.

Ўзбек меъморчилигида шайбонийлар темурийлардан кейин енг катта ҳисса қўшган сулола саналади. Шайбонийлар Темур ва темурийлар давридаги меъморчилик анъаналарини давом еттирдилар, ХВИ асрдан бизгача кўпгина архетуктура ёдгорликлари кўпроқ дининй мақсадларга мўлжалланган жамоат бинолари - масжидлар, мадрасалар, мозорлар, шунингдек, савдо - сотиқ учун белгиланган бинолар етиб келган.

Шайбонийлар даври меъморчиликда усталарнинг ижоди ҳажмини қисқартириш ва соддалаштириш ҳисобига кўпгина бинонинг декаратив пардозини заифлаштириш евазига, асосан гумбазсимон тошларнинг меъморий формалари ва уларни қуришда омилкорлиги кўзга ташланади. Бу меъмор усталарнинг катта истеъдодга ега еканликларини, материални ва қурилиш техникасини жуда билимдонлари еканликларини кўрсатади.

Шайбонийлар даврида енг йирик бинолар Бухорода қурилган. Бу даврда Бухоронинг иқтисодий ва сиёсий обрўсини ошиши шаҳар аҳолисининг кўпайиши

унинг кенгайишига сабаб бўлди. Маълумки, меъморрий қурилишларда нафақат шайбоний ҳукмдорлар, балки сарой аёнлари ҳам актив иштирок етганлар. Масалан, Самарқандда Муҳаммад Шайбонийхон, Абу Саидхонлар мадрасалар қурдирганлар. Муҳаммад Шайбонийхон бундан ташқари Ясси шаҳрида жоме масжиди қурдирган. Балх шаҳри қалъасининг деворини таъмирлаштирган. Унинг ворислари даврида мазкур фаолият давом еттирилди. Хусусан Абдуллахон ва Абдуллахон ИИ даврида Бухоро шаҳри янги девор билан ўраб олинди.

XVI асрда қурилган жуда кўп монулинтал бинолар шаҳарни янада безади/ Самарқандда Бибихоним масжидидан кейинги „ринда турувчи масжиди Калон бунга мисол бўла олади. Масжиди Калон ўзининг тарихига кўра Темур Бибихоним масжидини такрорлайди: ҳовлисси тўғри бурчакли, атрофи айвон билан ўралган, шунингдек, ҳовлини ғарб томонидан катта дарвоза қаршсига меҳроб устида монументал йирик биносифатида кўкка кўтарилиб турган қурилишининг бош қисмида алоҳида кўзга ташланиб туради. Бинонинг бу қисми тетжида баланд ҳаворанг гумбаз бор.

1536 - 35 йилларда Масжиди Калон қаршисида Мирараб мадрасаси қурилди. Бу катта мадраса Убайдуллахоннинг маблағларига Мирараб деб аталган нуфузли шайх Абдулла Ямонли учун қурилган. Маълумки, Шайбонийхон шаҳид кетган. 1510 - 1520 йилларда амаким Кўчкичихон 1530 - 1533йилларда унинг ўғли Абу Саид Шайбонийлар давлатини бошқаради. Бироқ уларда ички низоларни бартараф етишда Сафовийлар давлатидек қудратли ташқи ғанимга қарши ураш олиб боришда шижоату - ўқув етишмайди.

Ана шундай тарихий шароитда тарих майдонига Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни Убайдулло Султон чиқади. У ғайратли, ўқувли давлат арбоби ва шижоатли лашкарбоши еди. 1533 йил хонлик мансабини егаллаган Убайдуллахон мамлакатни расман пойтахт Самарқанддан емас, балки Бухородан туриб бошқарди.

1530 йили, Убайдулло Султонхон ноиби бўлган бир пайтда ҳам, унинг ўзига ҳам фикр дўсти Мир Арабга оғир бир синовдан ўтишга тўғри келади. Сафовийларнинг қизил бошлилардан иборат катта қўшини мамлакатимизга

бостириб кириб то Ғиждивонгача етиб келади, Убайдулло Султон ўз қўшини билан душманга қарши чиқади. Биринчи тўқнашув жанг тақдирини ҳал қила олмайди, сабаби душман қўшини сон жиҳатидан ўзбек қўшинидан ортиқ еди, Убайдулло Султоннинг қўшини кам сонли бўлгани учун ертаси куни бўлажак жангда қўли баланд келиши амри маҳол бўлиб қолади, лашкар орасида тушкунлик юз бера бошлайди. Ана шундай қалтис бир вазиятда, кеч оқшом пайтида Мир Араб Ҳазратлари қўшин қошида шундай бир нутқ ирод етадиларки, бундан лашкарлар ўта мутассир бўлади, руҳи кўтарилади ва ўша хуфтондаёқ тунги ҳужумга ўтиб душман устидан тўла ғалаба қозонади. Туркистоннинг мустақиллиги, ҳалқимизнинг ерки, дини - машаби, ор - номуси, ифтихори сақланиб қолади, Убайдулло Султонни бу ғалаба уни маънавий илҳомхҳиси Мир Арабга бағишлайди, кейинчалик шу ғалаба шарафига янги мадараса қуришга фармон беради. Бу мадраса Бухорони Бухоро қилиб, унга кўрк бағишлаб, маърифат, руҳоният ўчоқларидан бири бўлиб келаётган Мир Араб мадрасасидир.

Мадраса қурилиши 1530 йили бошлаб юборилади. Қурилишда халқимизнинг турли қатламлари, ҳунармандлардан тортиб толиби, илмларгача, ўша жангда қатнашган ғолиблардан тортиб руҳонийларгача қатнашади, чунки мағлуб бўлиб имон - еътиқодидан айрилиб қолиш хавфидан қутулишисевинчи .0шун0дай қимматли, шундай сафарбарликни келтириб чиқарган еди.

Ўз йириклиги ва архитектура сифатлари билан катта қимматга ега бўлган бинолар
XVI аср Бухоронинг атрофлари ҳам қурилган. Султон қишлоғидаги бир - бири билан икки қавватли арк орқали бирлаштирилган. Баҳоуддин қишлоғидаги машҳур хўжа Баҳоуддин Нақшбандининг мозори олдида қурилган катта гумбазли хонақо, ҳокими Мулла Мир қишлағидаги масжидлар шулар жумласидандир.

Самарқанд архитектура соҳасидаги ижод ҳатто темурийлар билан Шайбонийлар ўртасида ҳокимият учун кураш авж олган пайтда ҳам тўхташади. Шайбонийхон даврида мадраса ва Зарафшонда қолдиқлари ғишт арки кўринишида бизнинг кунларимизгача етиб келган сув тақсимловчи кўприк қурилди. ХВИ асрнинг диққатга сазовор қурилишлари, шунингдек, Карманада ва

Тошкентда сақланиб қолган.

Граждан архитектураси ёдгорликларидан кўприк ва сардобалардан ташқари Бухоронинг бозор кўчалари чорраҳаларида қурилган нақшли бешта бино, айниқса, катта диққатга сазовордир. Бу бинолар: Тоқи Сарофон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Зарафшон ва бизгача етиб келмаган, Тоқи Тиргдан ҳамда Тоқи Уруфурушондир. Бу ҳашаматли бинолар типи Абдуллахон номли тепаси ёпиқ катта бозор билан бирга пойтахтнинг марказий қисмини ҳамиша гавжум бозорнинг ташқи архитектура кўринишини ташкил қилар еди. Граждан архитектураси асарларидан жуда яхши ва ҳозиргача ишлаб турган. Сарафон ҳаммомини кўрсатиш мумкин. Бухоронинг архитектура биноларини ички ва ташқи томонининг безагида турли туман усуллар қўлланилар, аммо тайёр суратга қараб махсус қурилган турли рангдаги кошинлардан иборат бўлган сирли уймакор мозоика ХВИ асрда жуда қимматга тушувчи ва кўп меҳнат талаб қилувчи усул сифатида анча кам қўлланиларди. Нақшнинг релвори, қисмларига тилло суви берилар, фон кўк ёки яшил рангларга боялар, майдай гуллар ва нақшлар ҳам шунга қараб бояларди. Буларнинг барчаси гоё майдай гулли армоментга ега бўлган яшил ёки кўк майдонга тилла нақшлар ёйилиб ташлангандай тасаввур ҳосил қиларди. Тошга нақш ишлаш Бухоро музейида сақланувчи кулранг мармардан ишланган ажойиб қабр тошларидан маълум. Бу тошлар бошдан оёқ жуда яхши ишланган ва синчиклаб ойилган гуллар армамент билан ҳамда каллиграфик қоидаларга қатъий буйсуниб ойилган ёзувлар билан қопланган.

Умаман, ХВИ асрда меъморчилик соҳасида ҳам улкан ишлар қилинди. Турли мақсадлар учун кўпдан - кўп гражданлик, маданий ва инженерлик бинолари қурилди. Бу бинолар Ўрта Осиёда меъморчликнинг шу асарда инженерлик ва техник бадиий жиҳатдан юксак маҳорат даражасига еришганидан меъморчиликни ривжлантиришда янги йўл кашф етилганидан далолат беради. Афсуски, карвонсаройлар, расталар, масжид - мадраса, кўприклар бино қилган халқ усталарининг номлари бизнинг замонамизга етиб келмаган, айримларини ҳисобга олмаганда, масалан, 1541 - 1545 йилларда Кафолат шогирд мақбарасини қурган меъмор Ғулом Ҳусайннинг номи сақланиб қолган.

Ўрта Осиёда шу даврда сражданлик аҳамиятига молик, ҳар турли савдо расталари, ариқ ва каналлар, кўприк солиш ишлари кенг қулоч ёйди. Шайбонийхон даврида янги карвон саройлари солинди. Масалан, Ғиждувон Бухородаги Тилла Калон ҳаммомлар солинди. Женкинсоннинг гарларига қараганда, Бухорода ҳаммомлар шундай усталик билан солинганки бунақа ҳаммом дунёда йўқ.

XVI аср нафақат Бухоро, Самарқанд шаҳарларига катта еътибор қилинди, балким бошқа шаҳарларда ҳам катта - катта бинолар қурилди. Яссада масжид, Қарши шаҳри дарё ёнида сарой, совринда мадраса қурилди.

XVI асрнинг енг йирик меъморчилик иншоатларидан бири Термиз ноҳияси "Намуна" жамоа хўжалиги территориясида "Кокилдара" (Кокилдор ота) бўлиб, мавзолий хонақо ҳисобланади. Ўша вақтда расм билан нафис панжара ва айвон худди шу Кокилдора мавзолейида ҳам бор.

### 2.2. Абдуллахон ИИ даврида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт

Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг авлод-аждодлари ўртасида тож-у тахт, ҳокимият, мол-дунё ва давлат талашиб ўзаро қонли урушлар айж олди. 1510-1530-йилларда Шайбонийхоннинг амакиси Кўчкинчихон ҳокимлик қилади. Унга ўғли Абдусаид (1529-1533) ва жияни Убайдуллахон (1533-1539) меросхўр бўлди. Абдуллахон И нинг қисқа ҳукмронлигидан (1539-1540) сўнг Мовароуннаҳрда қўшҳокимиятчилик вужудга келди. Бунга сабаб, Бухорода Убайдуллахон ўғли Абдулазизхон (1540-1550), Самарқандда еса Кўчкинчихон ўғли Абдуллатифхон (1540-1551) тахт бошқарганлар. Ҳокимият талашиб кураш мис-ли кўрилмаган чўққига кўтарилди. Шайбонийхон авлодларининг ҳар бирида 10-12 тадан ўғил фарзанд бўлиб, уларнинг ҳар бири тахт учун ворислик қилишга даъвогар еди. Шу боис

Мовароун-наҳр ҳудуди бир неча бўлакларга бўлиниб кетди. Кармана ва Миёнқалъада Искандар Баҳодир, Балхда Пирмуҳаммад, Қаршида Султон Қилич Қора, Ҳисорда Шайбонийхоннинг набираси султон Бурҳон ҳокимлик қилади. 1556-5

йилда Абдуллатифхон вафот етгач Самарқанд тахтини Бароқхон қўлга киритиб,

Наврўз Аҳмадхон номи билан беш йил ҳукмронлик қилади.

1550-йиИда Султон Абдулазизхон вафот етгач, ўнлаб султонлар, беклар ва амирлар Бухоро тахти учун курашни авжига миндирдилар. Дастлаб Бухоро Шайбонийхоннинг набираси Султон Муҳаммадёрга тегди, лекин у бир йил ўтмасдан Пирмуҳаммад томонидан қувилди. Пирмуҳаммадга қарши Бароқхон ва Абдуллатифхонга султон Саид, султон Муҳаммадёр ва Бурҳон султон қўшилади. Улар биргаликда Миёнқалъа, Кармана ва Қаршига юриш бошлайдилар.[13]

Ваҳимага тушган бу шаҳарлараинг ҳокимлари қочиб кетадилар. Фақат Миёнқалъа ҳокими Искандарнинг 18 ёшли ўғли Абдуллагина қалъада мустаҳкамланиб султонлараинг бир-лашган кучларига қарши ёлғиз ўзи курашга отланади. 12 кун давом етган жангдан сўнг сулҳ битими имзоланади. Битимга кўра Абдулла Балхга жўнаб кетишга мажбур бўлади. 1556-йилда Бароқ-хон вафот етгач унинг фарзандлари ўртасида бошланган тахт во-рислиги учун курашга аралашиб ундан усталик билан фойдаланган Абдулла навбатдаги ғалабага еришади. У қувғинлик йилларини бекорга ўтказмади. Енг обрў-еътиборли ўнта ўзбек қабиласи -қушчи, ўтарчи, кенагас, юз, жалойир, мажор, қипчоқ, минғ, баҳрин қабилалари, шунингдек жўйбор шайхлари ҳамда мусул-мон руҳонийларининг бошқа еътиборли ва қудратҲ вакилларининг ҳимояси ва қўллаб-қувватлашига сазовор болади. Абдулла Илонўтди яқинидаги жангда Бароқхоннинг ўғил Бобосултон ва унинг иттифоқчиси Тошкент ҳокими Дарвешхоннинг бирлашган кучларини тор-мор келтиради. Абдулла учун Бухорога йўл очиқ еди. У Қарши, Чоижўйни егаллаб, султон Бурҳонни мағлубиятга учратиб Бухорога тантанавор кириб боради. Бухорони забт етади. Бухоро Абдуллахон замонида сиёсий ҳокимият марказига айла-нади. Маркази Бухоро бўлган давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланади.

Абдуллахон Шайбонийлар урф-одатларига катта ҳурмат билан қарайди ва ёши улуғ бўлган ўз амакисини, сўнг отасини хон деб еълон қилади. Амалда Абдулланинг ўзи уларнинг номидан ҳокимиятни идора етарди. Отаси Искандархон 1561-йили хон деб еълон қилинади. У 1582-йиИ вафотига қадар

---

[13] **Ahmedov B. “O’zbek ulusi”. T., 1992 yil. b - 54.**

хонлик тахтида ўтиради. Отаси вафотидан сўнг 1583-йил Абдуллахон ИИ ўзини расман хон деб еълон қилади. Абдуллахон (15571598) ҳукмрон бўлган даврда Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлатга асос солди. Унинг бутун ҳукмронлик йиллари уруш ва жанг-у жадаллар билан ўтди. 1557-йилдаШаҳрисабзни, 1569-йилда Самарқандни егаллади. 1558-1572-йилларда ўртада танаффуслар билан Бадахшон учун жанг қилади, Балх ва Ҳисорни қўлга киритди. 1582- йилда Тошкент, Сайрам, Туркистон, Фарғона, 1583-йилда Хуросон, 1595-йилда еса Хоразм таслим етилади.

Абдуллахон ИИ Амир Темурдан сўнг Мовароуннаҳрда нисбатан қатъий сиёсат юргиза олган ягона ва сўнгги давлат арбоби еди. У Бухоро ҳокимиятини тиклаш мақсадида Қозоғистоннинг ҳозирги Қарағанда вилояти ғарбидаги, Сариқсув дарёсининг Шимолида жойлашган Улуғтоққа йетибборгач, тоғ тепасидаги бир минорада битилган қуйидаги сўзларга кўзи тушади: «Тарих йетти юз тўқсон учинда қўй йили, ёзнинг ора ойи, Турон-нинг султони Темурбек икки юз минг черик била Тўхтамишхон юртига интиқом учун юрди. Бу йерга йетиб, белги бўлсун деб бу минорани қурдирди. Тангри нусрат бергай иншооллоҳ. Тангри ел кишига раҳмат қилғай. Бизни дуо билан ёд қилғай».

Мазкур битиклар 1391-йили Амир Темур Тўхтамишхонга қар-ши лашкар тортган кези шу тоғ устига чиқиб, сўнг бу йерда бир минора қурдириб харсанг тошга ўйдириб ёздирган хотира сўзлари еди. Абдуллахон ИИ буюк соҳибқирон ҳақига дуолар ўқиттириб, ўзи ҳам қарши томонда бир минора қуришга буйрук берди ва унга «Кимки бу манзилга қадам қўйса, хайрли дуо ила бизни ёд айласин» сўзларини ўйдиртиради.ъ Амир Темур Туркистон шаҳрида Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ва масжидини қурдиргани маълум. Тугалланмай қолган бу ишни охирига йетказиш Абдуллахон ИИ га насиб етади.

Абдуллахон ИИ ХВИ асрнинг 80-йилларида Хуросонда, унинг марказлари Ҳирот, Машҳадда, 90-йилларда Сейистон, Гармсир ва то Хилманд дарёсигача бўлган ҳудудларда ўз салтанатини ўрнатди, Қандаҳорни ҳам егаллайди. Унинг даврида ҳозирги Қарағандадан (Улуғтоғдан) Хилманд дарёсигача, Сибир хонлигидан Машҳадгача бўлган ҳудудлар яна бир бор Олий ҳокимияти Бухоро

қўл остида бирлашди. Бундай катта салтанатга Амир Темурдан сўнг Абдуллахон ИИ асос солади. Россияликлар унинг давлатига нисбатан «Буюк Бухория» деган иборани қўллашган едилар.

Ана шу даврдаги Абдуллахон ИИ нинг марказлашган давлат тузиш борасидаги фаолияти Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асарида ўзининг мукаммал ифодасини топган.

Абдуллахон замонида Бухоро хонлигида деҳқончилик, ҳу-нармандчилик, савдо-сотиқ ривожланади, маданий ҳаёт анча юксалади. Жуда кўп суғориш иншоотлари: Абдуллахон банди, Туятортар канали, Окчопсой тўғони ва сув омбори, Ваҳшдан чиқарилган кўплаб ариқларнинг қурилиши деҳқончиликни ривож- лантиради. Бу вақтларда Бухоро хонлигида буғдойнинг 10 хил тури, сули, қўноқ, жўхори, мош, нўҳат, маккажўхори, ловия, шо-ли пахта, кунжут, беда, арпа, сабзавот ва полиз екинлари екилган, боғдорчилик, чорвачилик ва ипакчилик ривожланган. Самар-қанд, Бухоро, Марғилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Шаҳрисабз ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунарманд-чилик тараққий қилган.

Самарқанд қози калонининг ҳужжатларидан маълум бўлишича, ХВИ асрда Самарқандда ҳунарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Мовароуннаҳрлик ҳунармандлар зўр санъат билан турли-туман металл буюмлар, ип ва ипак матолар, аъло навли қоғозлар ишлаб чиқарганлар. Бухоро шаҳри бу вақтда анча кенгайтирилган, девор ва ҳарбий истеҳкомлар қайтадан қурилган. Шаҳарда мадрасалар, хонақоҳ ва карвонсаройлар, янги расталар барпо қилинган. Шаҳар ўртасидаги тим, кўчалар чорраҳаси устига гумбаз-тоқлар, ҳаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, карвонсаройлар, кўприклар қурилган.

Абдуллахон даврида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлари ривожланган. 1572- 1578-йиллари Ҳиндистонда Бухоро хонининг елчилари, Бухорода еса Ҳиндистон подшоҳи Акбарнинг елчилари бўлган.

Абдуллахон ИИ елчилари 1583-йили Москвадан ўқ-дори, ов қушлари, мато олиб келганлар. Бундай елчилик 1589, 1595-йилларда ҳам такрорланган.

Абдуллахон ИИ нинг мамлакат ички сиёсатидаги, давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, айниқса, пул ислоҳоти ўтказиш йўлидаги фаолияти натижалари кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. Унинг даврида Бухоро яқинида Сумитан (Жўйбор) мавзесида Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саъд мозори атрофига мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ, Бухорода мадраса, ҳаммом, Говкашон, Фатҳулла қушбеги, Миракан, Хожа Муҳаммад Порсо, Янги Чорсу (1569-1570), тим (Абдуллахон тими), Кармана яқинида Зарафшон дарёси устига кўприк (1582) қурилган. Бу каби иншоотлар Тошкент, Самарқанд, Балх ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилган. Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, масжиди таъмирланган.[14]

Абдуллахон ИИ нинг нуфузли амири Қулбобо Кўкалдош шарафига Тошкентда Кўкалдош мадрасаси қурилган. Унинг даврида шаҳарсозлик, илм-фан тараққий етади. Бухоро маданият, илм-фан марказига айланади. Бухорода машҳур Абдуллахон кутубхонаси ташкил бўлади. Унда машҳур ҳаттотлар Мир АҲ Ҳиравий, Аҳмад
Ҳусайнийлар ва бошқалар китоб кўчириш билан машғул бўИишган. Сайид Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асари Абдуллахон ИИ га бағишланган.

Бу даврда шоир, адиб ва илоҳиётчи олимлардан Мушфиқий, Низом Муаммоий, Муҳаммад Дарвиш охунд, Қози Поёнда Зоминий, Мулла Амир, Муҳаммад Алти Зоҳид, табиблардан мавлоно Абдулҳаким ва бошқалар яшаб ижод етган. Абдуллахон ИИ нинг ўзи ҳам истеъдодли шоир бўлиб «Хон» тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеър ёзган.

Ҳарбий санъат тараққий етган. Қўшин таркибини найза, қи-лич, манжаниқ, шотулар билан қуролланган отлиқ ва пиёда қисмлар ташкил қилганлар. ХВИ аср иккинчи ярмидан қўшин Туркиядан келтирилган питта милтиқ ва замбараклар билан қуроллана бошлаган.

Абдуллахон ИИ марказлашган давлатни тузишда исён-кор зодагонларни қаттиққўллик ва шафқацизлик билан жазолади, султонлар, беклар, амирлар ва

[14] **Hasanxoja Nisoriy “Muzakkiri ahbob”. T., 1997 yil. b - 73.**

ўзининг бир қатор қариндош-уруғларининг бошларини танларидан жудо қилдирди. Аммо у ҳар қанча қаттиққўл бўлмасин сиёсий тарқоқлик тартиботларига қарши курашда ожизлик қилади ва бу тартиботларнинг навбатдаги қурбони бўлади. Ривоятларга қараганда Абдуллахон ИИ ўғли Абдулмўмин томонидан 1598-йили заҳарлаб ўлдирилган. Бу ишда ҳарбий зодагонлар бошлиқларидан бин Муҳаммад Боқибий таш-килотчилик қилган. Ҳокимиятни зўрлик йўли билан отаси қўлидан олган оқпадар Абдулмўмин ярим йил ўтмасданоқ ўзи ҳам бошқа бир душман зодагонлар гуруҳи қолида (1599) ҳалок бўлди. Тахтни сўнгги Шайбоний ҳукмдор Пирмуҳаммадхон егаллайди. Аммо 1601 -йили Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан курашда у йенгилади ва тахтдан ағдарилади. Шу билан Шайбонийлар ҳукмронлиги тугайди. Ана шу Боқи Муҳаммад бошқа бир сулола - Аштархонийларга мансуб еди. 1601-йилдан ватанимиз сиёсий ҳаётида янги сулола -Аштархонийлар ҳукмронлик қила бошлайди. Шу тариқа қарийб юз йил давом етган Шайбонийлар сулоласи ўзаро қирғинбарот урушлар ва ўзаро низолар оқибатида қирилиб тамом бўлади ва тахт ворислигига даъвогар қоҳнайди.

ХВ-аср охири ХВИ-аср бошида Темурий мирзоларнинг ўртасида бошланиб кетган ўзаро жанжаллар тахт учун курашлар оқибатида Темурийлар давлати парчаланиб кетди. Натижада шайбонийхон Моворауннаҳр халқлари ҳаётида муҳм ўзгаришлар ясаган Шайбонийлар давларини ташкил қилди. Ўзбекистон тарихи дарсларида бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволни ўрганиш ва уни ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар ишида қуйидаги хулосаларга келинди.

**Биринчидан,** Шайбонийхон 1499-1509-йилларда олиб борган юришларидан кейин бутун Моворауннаҳр ва Хуросонни қўлга киритди. Шу тариқа катта ҳудудни егаллаган Шайбонийхон давлати ташкил топганлиги ёритиб берилди.

**Иккинчидан,** Шайбонийлар даврида етник ўзгаришлар рўй бериб дашти қипчоқдан кўчиб келган қабилалар ўзлари билан “ўзбек” деган етник номларни олиб келдилар ва бутун Моворауннаҳр шу ном билан юритила бошланганлиги

аниқланди.

**Учинчидан,** Шайбонийлар давлатида катта қурилиш ишлари олиб борилди. Шайбонийхон мадрасаси, Абдураҳм Садр мадрасаси, Бароқхон мадрасаси, Масжиди калон, Мир араб мадрасаси, Абдуллахон, Кўкалдош каби мадрасалар буни яққол мисоли сифатида кўрсатиб берилди.

**Тўртинчидан,** Шайбинийлар даврида илм - фан маданият ривожланиб темурийлар қодирган мерос давом еттирилди. Ҳукмдорлардан Шайбонийхон, Убайдуллахон каби шоирларни халқимизнинг маънавий меросига қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта еканлиги далиллар асосида асосланди.

## АДАБИЙОТЛАР РЎЙХАТИ


1. Каримов И.А. 0„збекистон мустақилликка еришиш остонасида. Т.: “0„збекистон”, 2011й.
2. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998 йил
3. Каримов.И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент, 1994 йил
4. Каримов.И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, 1994 йил
5. Каримов.И.А. Жаҳон молиявий, иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф етиш чоралари ва тадбирлари Тошкент 2009 йил
6. Каримов.И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш консипсияси. Тошкент 2010 йил
7. Каримов.И.А. Юксак манавият - йенгилмас куч. Тошкент 2008 йил

8. Аҳмедов.Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001 йил
9. Аҳмедов.Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994 йил
10. Ахмедов.Б. Ўзбек улуси. Тошкент, 1992 йил
11. Бобур.З.М. Бобурнома. Тошкент, 1989 йил
12. Фан ва турмуш журнали. 2000 - 2006 йиллар.
13. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Тошкент, 1996 йил
14. Иброҳимов. А. Бизким ўзбеклар. Тошкент, 1999 йил
15. Маърифат газетаси. 2000 - 2006 йиллар
16. Муҳаммад  Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1988 йил www.гоогле.ру
17. www.зиёнет.уз
18. www.зиёуз.сом